

Халқ сўзи


Ўзбекистон
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 17 июнь, № 116 (3915)

Шанба



Мустақиллик
одамларимизни тadbир-
корга айлантирди. Бозор
иқтисодиёти бир тийин
топишнинг ҳам, сарф-
лашнинг ҳам алифбосини
ўргатди. Фурқат тумани-
даги «Ишонч» очиқ тур-
даги ҳиссадорлик жамия-
ти ҳам айна чоғда ишга
муносабатни тубдан
ўзгартирди.

Маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга

Шу туфайли жамият аъзолари бир йилда беш минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотнинг 80-85 фоизи Россия, Корея, Туркия давлатларига экспорт қилинапти.

Корхонада 800 нафардан ортиқ ёш ишлайди. Уларга барча шароитлар яратилган. Йилига 40-50 нафар иш-чига дам олиш учун санаторийларга йўланмалар берилади. Бир юз саксон ўринли болалар боғчаси ҳам ишчи-хизматчиларнинг болалари учун хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона лаборанти **Зубайдахон Чўтбоева.**

Тоҳиржон **ҲАМРОҚУЛОВ**
олган сурат.



Президент қарорини ўқиб

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 майдаги «Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш ясади. Тўғри, ушбу қарорда белгиланган тартиб 2006 йил 1 сентябрдан амалда бўлади. Лекин аҳоли орасида тadbиркор бўлман, оилам даромадини кўтараман деб юрган жуда кўп қурбондорларимизга бу қарор ҳозирда ноқ қўш-қанот бўлиб хизмат қилади.

ЮРИНГ, ТАДБИРКОР БЎЛАМИЗ

Тadbиркорлик шаклланиётган илк йилларда оддий кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун бир неча идорадан рўхсат олиш кераклиги, бунинг учун эса ойлаб вақт йўқотишлар, навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тураларча муносабати, банкда ҳисоб рақами очил, муҳр тайёрлаш, кредит олиш, пул ўтказиш масалаларига ўғай кўз билан қараш холлари, айрим пайларда очилмасига тамагирилик қилиш кабилар тadbиркорларнинг ишдан кўнгли совишига сабаб бўлаётган эди. Юртбошимиз бу каби иллатларни бартараф этиш биринчи навбатдаги долзарб вазифамиз эканлигини ўз асарларида қайд этиб ўтганлар.

Шу боис хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга республикамизнинг иқтисодий тараққиётини таъминловчи омил сифатида қараш, қонунчилик фаолиятимизда ҳам бу соҳага ҳудди шу нуқта назардан ёндашиш давлатимиз иқтисодий сийосатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланмоқда. Чунки бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳаси нафақат иқтисодийнинг ўсиш суръатларини жадаллантиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Мисол сифатида, 2005 йилнинг ўзида кичик бизнес объектлари 31,5 мингга кўпайгани, уларнинг сони 310 мингдан ортигани, яъни ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил қилаётганлиги, янги яратилган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаётганлигини келтиришимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда).

«ҚИЗИЛҚУМ САХОВАТИ» ШАРБАТАЛARI

Навоий шаҳридаги «Қизилқум саховати» корхонасига замонавий технология ўрнатилган, ёз нэматларини қайта ишлаш имкони яратилди. Швейцария «Sve Rvs Group AB» молиявий компанияси билан ҳамкорликда иш бошлаган корхонада кунига 200 тонна ўрик шарбати ва 300 тонна помидор қайнатмаси тайёрланмоқда.

Бу ерда мавсум давоми-

Еркул УМАР,
ЎЗА мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида

Кутубхона фаолияти яшишланди

Газетамизнинг шу йил 24 март сониди Фарғона туманидаги Аввал қишлоғида жойлашган болалар кутубхонаси акс этган фотояйбнома чоп этилган эди. Яқинда вилоят ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Т.Собиров мазмун билан ушбу масала юзасидан расмий жавоб олди. Унда шундай дейилди:



«Фотояйбнома чоп этилган, вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузилди. Ушбу гуруҳ иштирокида бошқарма тасарруфидаги кутубхоналар иши атрофида ўрганилди. Мутахассислар барча камчиликлар юзасидан тармоқ кутуб-

хоналарига жойида усулларни ўргатиш билан бердилар. Уларга маданий хизмат кўрсатиш юзасидан қўшимча чора-тadbирлар белгиланди. Шунингдек, туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири, туман марказлашган кутубхоналар директори ва унинг ўринбосарига хайфсан эълон қилинди».

(ЎЗА).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Қонунчилик палатасининг Санаят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим муассасалари қурилиши ва уларни таъмирлашга доир қонунларининг Андижон вилоятида ижро этилиши тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда мазкур вилоятда Шаҳарсозлик кодекси ва шаҳарсозлик соҳасига оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши борасида муайян ишлар қилинганлиги таъкидланди. Жумладан, ўтган йилнинг якунларига қўра, вилоятда давлат комиссиясининг даллатномалари билан 852 нафар ўқувчига мўлжалланган янги типдаги 3 та умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилган, 7207 та ўринга эга бўлган 16 та мактаб қайта қурилган, 59 та умумтаълим мактаби тубдан таъмирланган.

Қонун ижросини ўрганиш жараёнида бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дastури бўйича тақдирлар ишлаб чиқилганда мактабларнинг ҳақиқий аҳолини текширишга юзаси ёндашилган. Ўтган йили қурилган ва таъмирланган мактабларнинг ўқув хо-

налари ва йўлақаридаги эшиклар сифатсиз. Вилоятнинг аксарият мактабларида мебель, ускуналар ва синф доскалари мавжуд стандарт талабларига жавоб бермайди.

Қўмита кун тартибдаги масалани муҳокама қилиш жараёнида Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлималарининг мактабларини жиҳозлаш ҳамда ўқув ускуналари билан таъминлашга оид ишларни қоникарсиз деб топди. Мактабларни компьютерлар, мебель ва бошқа зарур асбоб-ускуна ҳамда анжомлар билан жиҳозлаш бўйича зудлик билан чора-тadbирлар кўриши, шу билан бирга, иқтисослашган ўқув синфлари ва хоналари учун олинган ускуналардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш бўйича тавсиялар берди.

Қўйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятида ижросининг назорат-таҳлил якунлари кўриб чиқилди.

Қашқадарё мамлакатимиздаги энг кўп археологик

ёдгорликларни бағрига олган вилоятлардан биридир. Худудда жами 894 та маданий мерос объектлари, жумладан, 820 та ёдгорлик ва 37 та ансамбль рўйхатга олинган. Уларнинг 216 таси республика ва 678 таси маҳаллий аҳамиятга эга объектлар ҳисобланади.

Уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва эл ҳолига қайтариш бўйича Қарши шаҳри, Китоб, Шаҳрисабз ва Муборак туманлари ҳудудларида жойлашган Оксарой, Дор ус-саодат, Дор ут-тиловат, шаҳар мудоффа девори, Еркўрган, Сағиртепа, Узункир, Подаётқева, Қаландартепа ва Китоб қалъаси девори, Занжирсарой каби объектлар ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлар» рўйхатига киритилган.

Йиғилишда вилоятда қонун ижроси юзасидан олиб борилаётган ижобий ишлар билан бирга, айрим камчиликлар мавжудлиги ҳам қайд этилди ва уларни бартараф этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, маданий мерос объектларини муҳофаза этиш, асраш, тарғиб қилиш ва фойдаланиш бўйича мақсадли дastурулар ишлаб чиқиш ва ижро этиш бўйича қўмита қарори қабул қилинди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Микрокредитбанк»нинг ташкил этилганига хали кўп бўлгани йўқ. У кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалик фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади, албатта. Хўш, бу янги тизимнинг ишини тўғри йўлга қўйиш учун нималар қилиш лозим. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида бўлган семинар ана шу мавзуга бағишланди.

Микрокредит — фермерга мадад

Семинарнинг асосан мева-сабзавотчиликка иқтисослашган Китоб туманида ўтказилганлиги бежиз эмас. Бу ерда ҳозирги кунда 3283 та фермер хўжалик фаолият кўрсатмоқда. 6486 та кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Биргина 2006 йилда 7 та мева ва сабзавот етиштирувчи ширкат хўжалиги туғилиб, ўрнига янги фермер хўжаликлари тузилди. Уларнинг бошланғич сармоясини шакллантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва айлана маблаглари ҳақини қўпайтиришда кичик ҳажмдаги кредит маблағлари актратиш гоат мумкин.

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки бошқаруви раиси Жамшид Сайфидинов ва бошқа нотикларнинг сўзларида Китоб тумани шартинида кўпроқ мева ва сабзавотни қайта ишлашга қаратилган тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, жойларда минибанлар очил, мониторинг ва консалтинг хизмати йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тadbирлар белгиланди.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ЯНГИ АХБОРОТ РЕСУРСИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳозирги ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, Президентимиз Ислам Каримов кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни фавал ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бирок, бизнесменлар, айниқса, энди иш бошлаётган тadbиркорлар ўз ишини ривожлантиришда маълумотлар танқислигига дуч келмоқда. Ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдала кредитлар, инновация лойиҳалари, янги ускуналар ҳақидаги маълумотларни излаб топишга кўп вақт сарфламоқда. Кўпчилик ўз ҳуқуқини яхши билмайди ва базан назорат қилувчи ва бошқа органлар расмиятчилиги олдида ҳимоясиз қолади.

Тadbиркорлар ва Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бошқа тизимлар хабардорлигини ошириш мақсадида бизнес-ривожлантириш учун www.big.uz ахборот портали ишга туширилди.

2004 йил сентябрида Ўзбекистон бизнес-инкубаторлари ва технопарклари ассоциацияси (БИТА) ташаббуси билан Жаҳон банкнинг ахборот-коммуникация технологияларини бизнес-

инкубаторлар тизимига интеграциялаштириш бўйича infoDev дastури молиявий қўмағида лойиҳа амалга оширилди бошланди. Ундан мақсад — ахборот-коммуникация жорий этиш ва улардан янада самарали фойдаланиш йўли билан хусусий тармоқ ва бизнес-инновациялар ривожини фаволлаштиришга қўмаклашишдир.

Бизнес-ахборот ресурси (www.big.uz) ишбилармон доиралар вакиллари учун мўлжалланган тўлиқ ва тезкор ахборотга эга. У инновация лойиҳаларини амалга ошириш, янги ускуналар излаш, инвестиция жалб этиш, молиялаш, сугурта,

қонунчилик каби масалалар бўйича бирлашган ахборот манбаи ҳисобланади. Ахборот портали қўшимча маълумот олиш, тажриба ошириш, ҳамкорлик нуктаи назардан Интернетдан бошқа фойдаланувчилар — талабалар, иқтисодчилар, молиячилар учун ҳам фойдалиб бўлиши табиий.

Лойиҳанинг мақсадларига «КРБИ» (Қорақалпоғистон Республикаси), «УФК» (Қашқадарё вилояти) ва «Бухоро» (Бухоро вилояти) бизнес-инкубаторлари базасида ахборот қўмағи марказларини (АКМ) ташкил этиш, уларни АКТ ресурслари билан жиҳозлаш ва малакали кадрлар тайёрлаш ҳам ки-

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Адлия вазирлигида «Ҳуқуқий ондан юксак ҳуқуқий маданият сари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ


Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Харбий суди ва Олий Мақолатининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этиди.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда Президент Ислам Каримовнинг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони дastуриламал бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Мазкур ҳўжат ижросини таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотларининг изчил ҳамкорлиги йўлга қўйилгани аҳолининг ҳуқуқий маданияти тобора юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган халқимиз учун бу муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккурини узлуксиз тараққий этаятган ҳуқуқий тизимга уйғун ҳолда ривожлантириш борасида изчил илохотлар амалга оширилади. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, сийсий маданиятини ошириш мақсадида ҳуқуқий ахборотлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилади. Бунинг самараси ўларок, кейинги йилларда аҳолининг иқтисодий, сийсий фаолиги ошмоқда. Давлат ва жамоат бошқарувида фуқароларнинг амалий иштироки тобора кенгайиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Тadbирда айна ютуқлар таҳлил этилиши билан бирга, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Н.АБДУРАЙИМОВА,
ЎЗА мухбири.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Таклифлар

Жиддий ўрганилмоқда

ШХТ саммитида иштирок этаётган Эрон президенти Махмуд Аҳмадинажот «олтилик» (АҚШ, Хитой, Россия, Буюк Британия, Франция ва Германия) томонидан ядро дастури билан боғлиқ муаммони ҳал этиш юзасидан берилган таклифларни «олга ташланган бир қадам» деб баҳолади.

«Франц-Пресс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, президент таклифлар диққат билан ўрганиб чиқилишини ва Эрон бирмунча вақт ўтгач ўз жавобини беришини айтган.

Эрон раҳбарининг таклидлашича, унинг мамла-

кати ядро қуролига эга бўлмоқчи эмас ва халқаро тангликдан кўра, муросани маъқул кўради, деб хабар беради РИА Новости. Аҳмадинажот «дунёдаги айрим кучлар»ни ўз сийбосини ўзгартиришга, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни

фақат адолат ҳамда ахлоқ тамойилларига асосланган ҳолда таъминлашга қақирди. Шу йилнинг 6 июнь кунин Эрон ҳукумати тақдим этилган «олтилик» таклифининг тафсилотлари ҳозирча оммага маълум қилинмаган.



Тимошенконинг янги қарори

Юлия Тимошенко блоки (ЮТБ) етакчиси Юлия Тимошенко агар Украина парламентида президент тарафидан бўлган «Наша Украина» блоки ва Виктор Януковичнинг Регионал партияси ўртасида коалиция тузилса, президентлик лавозимини учун ҳаракат бошлашини маълум қилди. Украинадаги «1+1» телеканали орқали тўғрида-тўғри чиқишида, у воқеалар шундай ривожланса, ЮТБ амалдаги ҳукуматта муҳолифат бўлишини айтди. Юлия Тимошенко Украина Рада-сида ЮТБ, «Наша Украина» ва Социалистик партияни бирлаштирган «рангилар» гуруҳи шакллана олмаганига Виктор Ющенко ва унинг тарафдорлари айблади.

Бош котибликка номзод

Хиндистон расман Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиблигига ўз номзодини кўрсатди. У ҳозир амалдаги бош котиб Кофи Аннанинг коммуникациялар ва жамоат ахборотлари бўйича ўринбосари, 50 ёшли Шами Тарур, деб хабар беради «Рейтер» ахборот агентлиги. Бу йил Аннанинг иккинчи беш йиллик ваколати ўз нихоясига етади ва БМТ томо-

нидан қабул қилинган минтақавий қондаларга кўра, ҳамжамиятнинг навбатдаги раҳбари Осие вакили бўлиши керак. Жанубий Корея, Таиланд, Шри-Ланка сингари мамлакатлар ҳам бу лавозимга ўз номзодларини илгартиришган. БМТга раҳбарлик қилган сўнгги осиелик Бирма вакили — У Тан бўлиб, 1961-1971 йилларда ташкилотни бошқарган эди.

Конституция масаласи кечиктирилди

Пайшанба кунин Брюсселда очилган Европа Иттифоқи саммитининг биринчи қарори Европанинг бўлажак конституцияси ҳақидаги масала муҳокамасини бир йилга кечиктириш ҳақида бўлди. Herald Tribune газетасининг ёзишича, 2005 йил ёзда Франция ва Нидерландия аҳолиси умумий референдумда Евроконституция лойиҳасини қўллаб-қувватламагач, ЕИ раҳбарияти ўйлаб қўриш учун бир йил муддат олган ва бу масала 2006 йил июнига қолдирилган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, 2007 йилдан бошлаб ЕИга раислик қилувчи Германия раҳбарияти конституциявий муаммони ҳал этиш учун зарур чоралар кўради.

Жангарилар талаби

Ироқдаги «Имом Али бригадаси» жангарилари Бағдод шимолида туркиялик «техник мутахассис» ва унинг таржимонини ўғирлашганини маълум қилди. «Ал-Жазира» телеканалининг маълумотига кўра, гаровдаги шахснинг исми Ҳасан Эскинутлу

бўлиб, унинг таржимони ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

Жангарилар Туркия раҳбариятидан бир қанча талаблар, жумладан, Ироқдан ўз элчисини чиқариб олишни ҳамда Америка ва Ироқ қамқоқоналарида сақланаётган маҳбусларни озод қилиш учун Ироқ ҳукуматига босим ўтказишни сўраган, дейлади «Ал-Жазира» телеканали хабарида.

Билл Гейтс Microsoftни тарқ этмоқчи

Компьютер дастурлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи Microsoft корпорацияси президенти Уильям Гейтс компаниядаги доимий бошқарувдан кетишини маълум қилди. АФР хабарида айтилишича, бошқарув ваколатларини топшириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилади ва 2008 йил июлда аяқланади. Шундан сўнг сайёранинг энг бой одами ўз ҳаётини Билл ва Меллинда Гейтс хайрия жамғармаси ишларига бағишламоқчи. Айни пайтда, Билл компания раҳбарлигини ўзида сақлаб қолади ва энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади.



— Аввало, анемиянинг сабабини аниқлаш керак. Ҳомилдор аёл учун қондаги 110 гр литр гемоглобин микдори меъёр ҳисобланади. Аёлда бу касаллик аввалдан бор бўлса, ҳомилдорлик пайтида қоннинг суюқ қисми кўпайиши хисобига гемоглобин микдори тушиб кетади. Маъодо, онанда ошқозон ва ёки бошқа аъзолар касаллиги мавжуд бўлса, сурункали анемия юзага келади. Шу боис ҳам аёлда анемиянинг нима сабабдан пайдо бўлиши аниқланиб, шунга асосан, бўлажак она шифокор назоратида даволанади лозим.

— Агар она қандли диабет касаллигига чалинган бўлса, унинг болага ўттиш хавфи неча фоиз?

— Қандли диабет ҳам бошқа касалликлар сингари агар онанинг ўзига тааллуқли бўлса, 50 фоиз болага ўтиш хавфи бор. Унинг таъсирида бола ўта катта вазнда туғилиб, кейинчалик ҳаёти давомида бу касаллик ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Шунинг ҳам ёнда тутиш керакки, қандли диабет касаллиги ота ва онада мавжуд бўлса, фарзанда ўтиш хавфи янада кучаяди. Шу боис ҳам турмуш қурётган ёш оналарнинг тўйдан аввалги тиббий текширувдан ўтиши бу жиҳатдан жуда муҳим.

— Қўнча қайноналарнинг «Биз бундай пайтда чалак-челак сувларини кўтариб кетаверардик. Ҳозиргилар бунчама нозик-ноҳол бўлмаса», деган гапларини эшитиб қоламиз. Аслида ҳоми-

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Кўчада ногаҳон икки аёлнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим: — Қўнанинг соппа-соғ қизини кесеро қилишибди. Иккита фарзандини ўзи туққанда, учинчисидан она аъзоларининг розилигини ҳам сўрамай шундай қилишибди.

— Буларга пул бермасангиз, шунақа-да. Биз ҳам келинимизни юз доллар билан туғдирдик-ку...

Фарзанд кўриш осонми?

Минг афсуски, кейинги пайтда мана шундай гаплар тез-тез қулоққа чалиниб қолмоқда. Ҳўш, туғуруқ жараёнида асосан қай ҳолатда жарроҳликни амалга ошириш лозим? Туғуруқ пайтида фалон долларнинг зарурати борлиги ростми? Бизни қизиқтирган шу қабил саволлар билан Тошкент тиббиёт Академияси Гинекология бўлимининг врач-ординатори, олий тоифали шифокор Муяссар Назировага мурожаат қилдик.

— Аслида ҳомилани жарроҳлик йўли билан олишни икки хил усули бор, — дейди М.Назирова. — Режа-лаштирилган жарроҳлик онанинг ҳомилдорлиги пайтида аниқланган ҳолатлар — юқори қон босими, анемиянинг жиддий асоратлари ва туғуруқ жараёнида она ва боланинг ҳаётига хавф солувчи бошқа касалликлар мавжуд бўлса, амалга оширилади. Шошилиш жарроҳликка эса ўз номи билан туғуруқ пайтида юзага келган тўсиқлар, яъни қон босимининг кўкисдан кўтарилиб кетиши, боланинг нотўғри жойлашиб қолиши, йўлдошининг барвақт кўчиши каби сабаблар тўғрисида қўрилади. Бола жарроҳлик йўли билан дунёга келтирилиши керак бўлса, онанинг ўзи ёки қанчалардан албатта розилик олиш шарт.

Туғуруқхонадаги пуллик хизматга келсак, агар у ёр хусусий бўлмаса, ҳеч қандай пул талаб қилинмайди. Одамлар орасида қўл хақи деган гап азалдан маълум. Бу ҳар қим ўз хоҳиши ва моддий аҳолидан келиб чиққан ҳолда доғна нимадир эҳсон қилади, деганидир. Бирок бу тушунчани мажбурийта айлантиришга, очигини айтиш керак, баъзи ҳолларда шифокорга мурожаат қилган одамларнинг ўзи сабабчи бўлиб қолмоқда.

— Кейинги пайтда она ва бола саломатлигига хавф солувчи қандай сабаблар кўзга ташланапти? — Сўнгги пайтда эклампсия, яъни ҳомилдорлик-

нинг организмга салбий таъсири — тана аъзоларидаги умумий шит, ҳафакон касаллиги, буйрак фаолиятининг сустайиши, қон босимининг ошиши, сийдикда оксигеннинг пайдо бўлиши каби касалликлар мавжуд бўлганда аёлларда кўп учрамоқда. Бунинг олдини олмаслик, ўз вақтида шифокор кўришига бормаслик, йўлдошининг барвақт кўчиши, бачадоннинг етарли қисқармаслиги каби жиддий асоратларга олиб келади. Оқибатда эса она ва бола ўлими, бачадонни ампутиация қилиш каби ачинарли ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Шунингдек, туғишга тайёр бўлмаган ёш қизларнинг она бўлиши, улардаги анемия касаллиги ҳам ўлим билан яқун топшиши сир эмас. Таъридан маълумки, бугунги фан-техника тараққий қилаверса, репродуктив саломатликка давлат томонидан берилётган эътибор тўғрисида она ва бола ўлими аввалги йилларга нисбатан камайди. Ҳозир бўлажак онанинг шифокор тавсияларига қатъий амал қилиши, унинг мунтазам шифокор назоратида бўлиши бундай ҳолатларнинг имкон қадар олдини олади, десак, янглишмаймиз.

— Ҳомилдор аёлдаги анемия касаллигини даволаш масаласида нима дея оласиз? — Ҳомилдор аёлдаги анемия касаллигини даволаш масаласида нима дея оласиз? — Ҳомилдор аёлдаги анемия касаллигини даволаш масаласида нима дея оласиз? — Ҳомилдор аёлдаги анемия касаллигини даволаш масаласида нима дея оласиз?



— Агар она қандли диабет касаллигига чалинган бўлса, унинг болага ўттиш хавфи неча фоиз?

— Қандли диабет ҳам бошқа касалликлар сингари агар онанинг ўзига тааллуқли бўлса, 50 фоиз болага ўтиш хавфи бор. Унинг таъсирида бола ўта катта вазнда туғилиб, кейинчалик ҳаёти давомида бу касаллик ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Шунинг ҳам ёнда тутиш керакки, қандли диабет касаллиги ота ва онада мавжуд бўлса, фарзанда ўтиш хавфи янада кучаяди. Шу боис ҳам турмуш қурётган ёш оналарнинг тўйдан аввалги тиббий текширувдан ўтиши бу жиҳатдан жуда муҳим.

— Қўнча қайноналарнинг «Биз бундай пайтда чалак-челак сувларини кўтариб кетаверардик. Ҳозиргилар бунчама нозик-ноҳол бўлмаса», деган гапларини эшитиб қоламиз. Аслида ҳоми-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ЭГАСИ КЎРСАТИЛМАЙДИГАН ДЕПОЗИТ (ЖАМҒАРМА) СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Даромад — йиллик 21%. Сақлаш муддати — 3 ой.

СЕРТИФИКАТНИНГ НОМИНАЛ ҚЎЙМАТИ — 25.000 ва 50.000 сўм.

Сертификат эгаларига: — қўйилган пул маблағлари бут сақланиши ва фойзалар ўз вақтида тўланиши кафолатланади; — сертификатларни бошқа жисмоний шахслар ихтиёрига ўтказиш ҳуқуқи берилади.

МИЛЛИЙ БАНКНИНГ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ СИЗНИНГ ЖАМҒАРМАЛАРИНГИЗНИ САҚЛАБ ТУРАДИ ВА КЎПАЙТИРАДИ.

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг инсталлан бўлими ёхуд филиалдан олиш мумкин. www.nbu.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

1. Фармацевтик кимё	кафедра мудири ва ассистент
2. Фармация кафедраси	дори турлари технологияси бўйича профессор, доцент ва фармакология бўйича доцент
3. Токсикологик кимё кафедраси	ассистент
4. Аноганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси	доцент
5. Дори турлари технологияси кафедраси	доцент
6. Органик ва биологик кимё кафедраси	катта ўқитувчи, ассистент (2)
7. Фармация ишини ташкил қилиш кафедраси	ассистент
8. Фармакогнозия кафедраси	катта ўқитувчи ва ассистент
9. Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси	катта ўқитувчи ва ассистент (2)
10. Ижтимоий фанлар кафедраси	катта ўқитувчи

Танлов муддати эълон чоп Манзи: 700015, Тошкент ш., Миробод тумани, эътилоф кундан бошлаб 1 ой. Ойбек к.н, 45-уй. Тел: 56-32-46, 56-38-39. Факс 56-45-04.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун! «ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАПИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИ ТОШКЕНТ СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ўқув йилига «Солиққа тортиш», «Бухгалтерия ҳисоби» ва «ЭХМ ва компьютер тармоқларини солиқ идораларида ишлатиш» мутахассисликлари бўйича танлов асосида ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Коллежга 9-синфни тугатган ўқувчилар махсус синов натижалари асосида қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга қабул қилинади:

- «СОЛИҚҚА ТОРТИШ» йўналиши бўйича коллежда ўқиш муддати — 3 йил. Ўқиш шакли — қундузги, ўқиш жараёни ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
- «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» йўналиши бўйича ўқиш муддати — 3 йил. Ўқиш шакли — қундузги, ўқиш жараёни ўзбек тилида олиб борилади.
- «ЭХМ ВА КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИНИ СОЛИҚ ИДОРАЛАРИДА ИШЛАТИШ» йўналиши бўйича ўқиш муддати — 3 йил. Ўқиш шакли — қундузги, ўқиш жараёни ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Коллежга қабул қилинган ўқувчилар заруриятига кўра ётоқхона билан таъминланади. Коллеж битирувчиларига давлат андозасидаги диплом берилади. Аризалар коллеж консультатив маркази томонидан 20 июндан 1 августга қадар қабул қилинади.

Куйидаги ҳужжатлар топширилади: • коллеж директори номига ёзилган ариза (аризада таълим оладиган тили курсатилиши лозим: ўзбек ёки рус тили); • 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси); • 086-У шаклдаги саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома; • б дона 3x4 см. ўлчамдаги рангли фотосурат (бош кийимсиз); • домий яшаш жойидан берилган маълумотнома; • 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11-синфларда тахсил олмаганлиги тўғрисида уларни ўқиган мактабдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома.

Тошкент солиқ коллежи ўрта махсус касб-ҳунар ўқув муассасаси бўлиб, давлат солиқ хизмати органлари учун кадрлар тайёрлайди.

Ўқишга кирувчи томонидан паспорт (туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) шахсан кўрсатилади. Коллежга қабул қилиш бўйича махсус синов белгиланган тартибда математика, она тили ва адабиёт (рус тили ва адабиёт) фанларидан ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 3-уй. Маълумотлар учун телефонлар: 75-75-53, 75-64-47.

Давлат, ҳусусий ва бошқа тижорат шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2006 йил 19 июндан 2006 йил 19 июлгача қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун тендер эълон қилади:

- ип аралашган жунли одеяло;
- ёзги аралаш камуфляж рангли матолар;
- қишки аралаш камуфляж рангли матолар;
- сув ўтказмайдиغان модда сингирилган камуфляж рангли капрон матолар.

Тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун 30 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.

Таклифлар ва намуналар ҳар кунини соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, академик Абдуллаев кўчаси, 100-уй.

Маълумот олиш учун ҳар кунини соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-69, 169-88-02.



«Энг улуғ, энг азиз»
танловига

Юракларни ёндир энди,
ВАПААНДОШИМ!



Тушовланган оёқ-қўлинг бундир энди,
Кўп асрлик армонларинг тушир энди,
Орзуларинг озод Хумо кундир энди,
Лочин энди, Бургут энди сафардошинг —
Лочин бўлгин, Бургут бўлгин, ватандошим.

Бу тупроқнинг ҳар зарраси тумор сенга,
Шамоллари Ғиротдек ҳур тулпор сенга,
Бобо кўёш сахаргача хумор сенга,
Жайхундай жўш, Сирдай кўпир тўлиб-тошиб,
Жайхун бўлгин, Сайхун бўлгин, ватандошим.

Бир замонлар гуласин, деб ота макон,
Узугини ечиб берган оддий япон.
Кийгиздингни Ватанинга дўппи-чопон,
Дўппи-чопон кийгиздим қариндошинг,
Сен Ватанга нима бердинг, ватандошим?

Дайди дўллар тош ёғдирса тупроғига,
Чизиркалар тирноқ сангача ялроғига,
Тўзон тегса кўзлариниң қароғига,
Киприк бўлиб туролдингни, эй дилдошим,
Киприк бўлгин Ватанинга, ватандошим.

Томошабин бўладиган кунмас, дўстим,
Четдан ҳеч ким тўғриламас каму кўстинг,
Ўз еринг бу — ўзинг экиб, ўзинг устир,
Гулага тўласин Самарқанду кўҳна Шошинг,
Сен Ватанга нима бердинг, ватандошим?

Унутмагин, кимдир бобонг, момонг кимдир,
У жаҳонда жаҳон қурган Жаҳонгирдир!
Американг Берунидан қолган ердир,

Зотинг улуғ, нонинг ҳалол, ҳалол ошинг,
Мағрур бошинг баланд кўтар, ватандошим.

Ер юзида бировдан кам жойинг борми?
Олам тинглар Турғун бобонг чертган торни,
Кўкка учир кишаётган Бойчборни,
Гулдур-гулдур гулдирасин тоғу тошинг,
Гўрўғли бўл, Алпомниш бўл, ватандошим.

Келажакка пойдор қилиб елкамингни,
Эркалайлик, эрка тойлоқ эркамингни,
Қизгалдоққа тўлдир оппоқ эртамизни,
Юлдуз тўла осмонларга етсин бошинг,
Бўз болангни отга миндир, ватандошим.

Эртанг учун бугун номус, орингни бер,
Емғирингни, шамолингни, қорингни бер,
Борингни бер — юрагингда борингни бер!
Борин берсин тенгу тўшинг, елкадошинг,
Сен Ватанга нима бердинг, ватандошим?

Бу дунёнинг қирлари кўп, ўрлари кўп,
Бир-бирдан зўравони — зўрлари кўп,
Кўзингга-ю қабоғингга суқнашар чўп,
Бир бўл энди, зўр бўл энди, ўлкадошим,
Тоштемурдай мушт бўл энди, ватандошим.

Тўрт девордан ким ҳаққингни олиб берди?
“Ўзбекман!” деб, ким дунёга кўкрак керди?
Амир Темур бобонгдек ким давлат қурди?
Давлатим, деб куйиб-ёнар Давлатбошим,
Ёндир, ёндир юракларни, замондошим —
Юракларни ёндир энди, ватандошим!

ЖУРНАЛИСТЛАР

Бир кун пиёда, бир кун рулда,
Тонгда шаҳардасиз, кечкурун чўлда.
Умринг ярмиси Емғирда, дўлда,
Ярмиси тўшалаб ётади йўлда —
Элим деб, юртим деб, ёнган жонларим,
Журналист дўстларим, қадрдонларим.

Ой нури тушмаган жой бордир, балки
Қайгадир етолмас чақмоқлар зали,
Журналист халқи-чи, журналист халқи
Хар ерда ярқираб туради балки —
Элим деб, юртим деб, ёнган жонларим,
Журналист дўстларим, қадрдонларим.

Битта сатр учун, бир хабар учун,
Гоҳ олам нурафшон, гоҳида тўтун,
Шундан бахтиёрсиз, бахтиёрсиз бутун,
Дунёда бахт йўқдир бу бахтдан устун —

Элим деб, юртим деб, ёнган жонларим,
Журналист дўстларим, қадрдонларим.

Жамбил, райҳонларни юлган нокаслар,
Яхшилар устидан кулган нокаслар,
“Ҳақиқат менман!” деб турган нокаслар.
Сизга дуч келганда титрашар хасдаи —
Элим деб, юртим деб, ёнган жонларим,
Журналист дўстларим, қадрдонларим.

Нонингиз гоҳ бутун, гоҳида яримта,
Дилнингиз тўқмадан гоҳ нимта-нимта,
Алмо дардинингни айтмай ҳеч кимга,
Мадад бўлай, дейсиз она халқимга —
Элим деб, юртим деб, ёнган жонларим,
Журналист дўстларим, қадрдонларим.

Абдусанд КҮЧИМОВ.

Спорт

Германия яшил майдонларида давом этаётган
18-жаҳон чемпионатининг иккинчи тур учрашувлари
нинг еттичаси ортда қолди.



МУНАЖЖИМ
БАШОРАТИДА ЖОН БОРМИ

Мухлису мутахассислар
ким чемпион бўлиши
ҳақида баҳслашаётган
бир пайтда, мунажжимлар
ҳам ўз тахминларини айт-
моқда.

Малайзиялик астролог
Даниэл Чаннинг фикрича,
18-жаҳон чемпионлиги Бра-
зилия ёки Италия терма жа-
моаларига насиб этармиш.
У ўз тахминларини шарҳ
астрология илмига ва шар-

қона ой тақвимига таяниб
билдирмоқда, деб хабар
беради РИА Новости.
— Ҳар тўрт йилда ўтади-
ган жаҳон чемпионати От,
Ит ва Йулбарс мучалари-
га тўғри келади, — дейди
Чан. — Ит мучалига тўғри
келган жаҳон чемпионатла-
рида доимо Италия ёки
Бразилия терма жамоала-
ри шохсупанинги юқори по-
ғонасидан жой олган.

Мунажжимнинг фикрида
ҳам жон бор. Чунки, Ит
мучалига тўғри келган
1934 ва 1982 йилларда
Италия, 1958, 1970 ва
1994 йилларда эса Брази-
лия футболчилари жаҳон
кубоғи соҳиби бўлган.
Бу, албатта, бир мунаж-
жимнинг кўнглидан кечган
гаплар, холос. Жаҳон че-
мпонатиде ким голиб чи-
қишини вақт кўрсатади.

Қозғистоннинг
Алмати шаҳрида от
спорт бўйича яку-
ланган Осий очиқ
чемпионатиде ўзбе-
кистонлик чавандозлар
муваффақиятли ишти-
рок этишди.

Чавандозларимиз
бўш келишмади

Унда Корея, Хитой Тай-
пейи, Эрон, Хиндистон,
Япония, Қозғистон, Қир-
ғизистон, Россия ва Гру-
зиядан келган суворийлар
иштирок этди.

Мусобақадда ҳамюртла-
римиздан Ф. Назаров, Н.
Туяқбоев ва А. Содиковлар
китъа чемпиони деган ша-
рафли номга сазовор
бўлдилар. Эслатиб ўтамиз,
от спорт бўйича мамлака-
тимиз терма жамоаси бун-
дан олдин Тошкент ва
Бишкек шаҳарларида ўтқа-
зилган жаҳон кубогининг
уч босқичида ҳам суворидор-
лар сафидан жой олишган
эди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Уч жамоа олдинга, уч жамоа ортга

Иккинчи турнинг дастлабки учрашувида
Польша футболчиларини 1:0 ҳисобида ма-
глубиятга учратган Германия терма жамоаси
биринчи бўлиб нимчорак финал йўллан-
масини кўлга киритган эди. «А» гуруҳи фа-
воритларидан ҳисобланган Польша терма
жамоасининг мусобақани гуруҳ босқичи-
даёқ тарк этиши чемпионатнинг яна бир

кутилмаган воқеаларидан бири сифатида
баҳоланди.
Шунингдек, Англия ва Эквадор терма жа-
моалари ҳам кейинги босқич йўлланмасига
муддатидан олдин эга бўлишди. Коста-Рика
ва Парагвай мамлакатлари футболчилари
эса ҳамми уч учрашув билан чекланадиган
бўлишди.

МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПОД ЗАКАЗ
ДИЗЕЛЬ ГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90) 186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71; (998-90) 187-60-86. E-mail: asm-uz@yandex.ru

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

2006 йил 10 майдан бошлаб жисмоний шахсларнинг
АҚШ долларидеги муддатли депозитлари бўйича куйидаги
фоиз ставкалари белгиланганини маълум қилади:

“Сармоя - 1” (сақлаш муддати — 45 кун) — йилига 6%
“Сармоя - 2” (сақлаш муддати — 60 кун) — йилига 5,5%
“Фойдали” (сақлаш муддати — 6 ой) — йилига 4,5%

Ўз омонатларининг бошқарилишини бизга
ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун
Ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар
орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

ОКСИГУМАТ
Ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи,
озикланишини, касалликларга қарши
химояланишини бошқарувчи — стимулятор.

Янги, юқори самарали, бетакрор хусусиятлари
бўйича тенги йўқ препарат.
Оксигумат биологик фаол препарат сифатида
қишлоқ хўжалиғида уруғларнинг унумдорлигини
ошириб, кўчатларнинг илдиз отиши ва яхши
тутиб кетишини таъминлайди.

- ↪ хосилдорлигини оширади,
- ↪ махсулотларнинг сифатини яхшилайди,
- ↪ тупроқ таркибидеги микроорганизмларнинг ҳаёт
фаолиятини ривожлантиради,
- ↪ мавсумий ўзгаришлар суъратини ва пишишини
тезлаштиради (10-20 кунга),
- ↪ касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини
кучайтиради,
- ↪ минерал озиқланишини оптималлаштиради,
- ↪ тупроқнинг аллелопатик эвриқлишини камайти-
ради.

Бодринг	— 30 - 40 %
Бугдой	— 35 - 40 %
Гуллар	— 13 - 25 %
Дуқкакли экинлар	— 60 - 80 %
Картошка	— 40 - 50 %
Кунгабоқар	— 50 - 70 %
Лавлаги	— 35 - 40 %
Маккажўхори	— 40 - 60 %
Пахта	— 50 - 70 %
Пивз	— 30 - 40 %
Полиз экинлари	— 50 - 60 %
Помидор	— 25 - 30 %
Супи	— 20 - 40 %
Шоли	— 90-100 %

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси
томонидан Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат
этилган. ГУВОХНОМА № А 947.
Тел.: 135-87-05, 109-62-36 (кундузи),
135-53-15 (кечкурун), 330-13-44.

Юртимизнинг азиз фуқаролари ва меҳмонлари!

2006 йил 12 июндан бошлаб, ҳафтада бир
марта, душанба кунлари 322 рақамли
«Нукус-Алмати-2»
йўловчи поезди
ҳаракатланишни бошлади.

Чипталарни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг
«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ кассаларидан поезд
жўнашдан 20 кун аввал харид қилишингиз мумкин.

Телефон:
199-76-27

ХИЗМАТЛАР
ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.

Тошкент Давлат иқтисодий университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси Агроиқтисодиёт кафедраси профессори Абдулатиф Абдуганиева акиси, иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдувоҳид АБДУҒАНИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Иқтисодиёт институти жамоаси катта илмий ходим М.П.Нарзиқуловага онаси
БАСИМА ҳожи аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ва «Ўзбекфильм» ОАЖ жамоалари киностудия директори Сергей Кимга волидан муҳтарамаси
Олга ЛИННИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИИВ матбуот
маркази хабар
қилади



Сунқаса
Фарғона шаҳрида
яшовчи 29 ёшли Ф. ов-
қатдан захарланиб, қа-
салхонага ётқизилди. Су-
риштирув натижасида
маълум бўлишича, унинг
овқатига турмуш урғочи
Ш. ҳарорат ўлчагини
синдириб, ичидеги си-
мобни қўшиб берган, бу
ишга эрининг жонига
қасд қилиш мақсадида
қўл урган экан.

**Босқинчилар бу
ерда бўлишмаган**
Ҳеч қаерда ишламай-
диган ва ўқимайдиган Г.
исмли қиз Наманган ша-
ҳар ИИБга мувожаат
қилиб, уйига уч нафар
шахс юзларига ниқоб
кийган ва қўлларига пи-
чок ушлаган ҳолда бос-
тириб кириб, унинг
қўлқабларидан зиркалар-
ни ечиб олиб, қочиб
кетишганини маълум қил-
ди. Текширув ва суриш-
тирув якунида хабар та-
сдиғини топмади. Аниқла-
нишича, «жабрланувчи-
»ша бир жуфт зираниги
таниш йигитига бериб
юборган экан.

Жаҳл келганда...
Қумқўрғон туманидаги
марказий касалхонадан
ИИВга шошилиш хабар
берилди. Унда «Беш
қарамон» ширкат хўжа-
лиғида яшовчи тўрт фу-
қаро қўйиб жароҳати бил-
лан касалхонага олиб ке-
лингани айтилган.
Тезкор гуруҳ воқеа
жойига чиқиб, тафсилот-
ни ўрганган, қуйидагилар
аён бўлди: жабранувчи
Қ.нинг эри шу ховлида
бирга яшовчи акиси бил-
лан доимий равишда жан-
жаллашиб юраркан. Уша
кун кеч соат 00 дан 30
дақиқа ўтганда ака ўз ука-
си, келини ва уч йилдан
6 ёшгача бўлган 3 нафар
жиянлари улаб ётишган-
да, уларнинг устидан
бензин сеиб, ўт қўйиб
юборган, қочиб кетган
экан.

**Ўғрининг
югургани...**
Янгиқўрғон тумани
ички ишлар бўлими хо-
димлари «Оқ уй» фермер
хўжалиғи ҳудудида 32
туп терак ва симёғочда-
ги 3000 метр сим ўйро-
лаб кетилгани ҳақидаги
маълумотга эга бўлди-
лар. Кўп ўтмай ушбу
ўғриниқчи содир этган
Ю. Зафарни қўлга олди-
лар.

**Эгасининг минг
пойлагани...**
Тошкент шаҳрининг
Шайхонтоҳур туманида
истиқомат қилувчи М.
Жўраев «ВАЗ-21061» ру-
сумли автомашинасини
кўчада назоратсиз қол-
дирганди. Бундан фой-
даланган номалум шахс
автомашина ойнасини
синдириб, салондаги мо-
биль телефони ва
2.000.000 сўм пулни ўма-
риб кетди.
Милиция ходимлари-
нинг саъй-ҳаракатлари
туфайли у Сирғали тум-
анида яшовчи А. Раҳим-
жон эканлиги аниқланди.
Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИВ матбуот маркази
ходими.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

Газета ИВМ компьютерида терилди ва
операторлар
Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев
томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қозғалдан зейд
материаллар қабул қилинмайди.
Тираж матбуот материал

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — З. Жоғибеков.
Мусаҳҳах — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минаткалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ
Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5